

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**16-сон**  
**(204)**  
**2006 й.**  
**апрель**

---

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*тўпلامнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўпلامнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

+

-

**МУНДАРИЖА**

*Иккинчи бўлим*

131. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғини жорий этиш тўғрисида» 1998 йил 10 октябрдаги ПФ–2086-сон Фармониға қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги ПФ–3741-сон Фармони
132. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги ПҚ–324-сон қарори
133. «Ўзбекистон Республикасида 2006—2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги ПҚ–325-сон қарори

*Учинчи бўлим*

134. «Патент божлари тўғрисидаги низомни ва патент божлари ставкаларини тас-

диқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 20 апрелдаги 65-сон қарори

*Бешинчи бўлим*

135. «Кредит ахбороти миллий институтининг маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда Банклараро кредит бюроси ва тижорат банкларига кредит ахборотини тақдим этиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 11 мартдаги 7/2-сон қарори. (янги таҳрирда) (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 18 апрелда 1562-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

136. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахслар томонидан чет эл валютасида касса операцияларини юритиш Тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 8 апрелдаги 9/4-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 18 апрелда 611-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

137. «Ўзбекистон Республикасидаги қишлоқ хўжалик товарлари ишлаб чиқарувчиларнинг қишлоқ хўжалик ерларини меъёрий баҳосини аниқлашнинг муваққат йўриқномасини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2006 йил 16 февралдаги 19-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 19 апрелда 1563-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2006 йил 15 апрелдан 21 апрелгача бўлган маълумот

**ИККИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

**131** Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғини жорий этиш тўғрисида» 1998 йил 10 октябрдаги ПФ–2086-сон Фармонига қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 9 январдаги ПФ–3709-сонли Фармонига мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғини жорий этиш тўғрисида» 1998 йил 10 октябрдаги ПФ–2086-сон Фармонининг 6-банди қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«тугатилаётган ширкатлар негизида барпо этиладиган боғдорчилик ва узумчилик фермер хўжаликлари уларни давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб ягона ер солиғи тўлашдан 5 йил муддатга озод қилинади. Солиқ солишдан бўшайдиган маблағлар мақсадли тартибда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлашни ривожлантиришга, боғ ва узумзорлар барпо этиш ҳамда уларни кенгайтиришга йўналтирилади».

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 17 апрель,  
ПФ–3741-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

**132 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 11 январдаги ПҚ–255-сон қарорига мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 17 апрель,  
ПҚ–324-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги  
ПҚ–324-сон қарорига  
ИЛОВА

– **Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига киритилган ўзгартишлар** +

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2005-2006 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида» 2005 йил 14 мартдаги ПҚ–29-сон қарори 1 ва 3-иловаларининг «Ўзмеvasабзавотузумсаноат-холдинг» ХК» номли бўлимлардаги «Ўзмеvasабзавотузумсаноат-холдинг» сўзи «Ўзвиносаноат-холдинг» сўзига алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини қисман ўзгартиш тўғрисида» 2005 йил 25 июлдаги ПҚ–131-сон қарори 3-иловасининг «Тасарруфга олинган вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари» бўлимидаги:

«Ўзмеvasабзавотузумсаноат-холдинг» сўзи «Ўзвиносаноат-холдинг» сўзига алмаштирилсин;

«Давкимёкомиссиянинг эксперт гуруҳи» сўзи олиб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2005 йил 27 декабрдаги ПҚ–244-сон қарорининг 12-1-иловасидаги «Товарлар номи» жадвалидаги «Ўзмеvasабзавотузумсаноат-холдинг» сўзи «Ўзвиносаноат-холдинг» сўзига алмаштирилсин.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

**133 Ўзбекистон Республикасида 2006—2010 йилларда  
хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожланти-  
ришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Сўнги йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича изчил чоралар кўрилмоқда. Хизматлар бозори таркиби хизматларнинг янги истиқболли турлари — банк-молия, суғурта, ахборот-коммуникация хизматлари ва бошқаларни ривожлантириш ҳисобига такомиллашиб бормоқда. Оилаларни мураккаб маиший техника, компьютерлар ва шахсий автотранспорт билан таъминлашнинг кескин ошиши уларга кўрсатилаётган хизматларнинг кенгайишига имкон яратди.

Шу билан бирга, мазкур тармоқни ривожлантиришдаги жиддий камчиликларни таъкидлаш жоиз, хусусан, бандликни ошириш ва аҳоли даромадларини кўпайтириш ҳамда маҳаллий бюджетларни тўлдиришнинг истиқболли манбаи сифатида хизмат кўрсатиш ва сервис имкониятларидан кам фойдаланилмоқда. Хизмат кўрсатиш соҳаси, айниқса, қишлоқ жойларида сустривожланмоқда, бу ерда катта капитал маблағ талаб қилмайдиган ва хусусий тадбиркорлик учун жозибадор бўлган кўпгина анъанавий хизмат турлари етарли даражада ривожланмаяпти ва қишлоқ аҳолисининг улардан фойдаланиш имкониятлари пастлигича қолмоқда. Маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарларининг бу муҳим тармоққа керакли даражада эътибор қаратмаётганига мутлақо тоқат қилиб бўлмайди. Бунинг натижасида хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ҳозирча бозор мезонларига мос келмаяпти ва уни дунёнинг ривожланган мамлакатларида бу соҳада эришилган кўрсаткичларга таққослаб бўлмайди.

Бу мамлакатларда хизматларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 60—80 фоизни ташкил этади, хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг қарийб 70 фоизи меҳнат қилади, аҳолининг истеъмол харажатлари таркибида эса мазкур соҳа 50—60 фоизни ташкил этади, ваҳолонки, республикамызда бу кўрсаткич 10—15 фоиздан ошмайди.

Хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш учун қулай шароит яратиш, унинг иқтисодиётдаги улушини ошириш, хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида банд бўлганлар сонини кўпайтириш ва шу асосда аҳоли даромадларини ошириш ҳамда ички истеъмол бозорини замонавий, сифатли турли-туман хизмат турлари билан тўлдириш мақсадида:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикасида хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб ҳисоблансин:

хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорларнинг фаоллигини янада кучайтириш учун қулай шарт-шароит яратиш, жумладан, бу борадаги расмиятчилик тўсиқларини бартараф этиш ва шу асосда хизматлар ҳажмининг юқори суръатларда ўсишини таъминлаш ҳамда 2010 йилгача уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 49 фоизга етказиш;

2006—2010 йилларда хизматлар кўрсатиш соҳасида банд бўлган аҳоли сонини 1,6 марта кўпайтириш;

қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган аҳолига кўрсатилаётган хизматлар, биринчи навбатда, коммунал-маиший, уй-жойларни таъмирлаш ва қуриш, сувдан фойдаланиш, ветеринария, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва машина-трактор парклари соҳасидаги хизматлар ҳажми ва турларини янада ошириб бориш;

анъанавий хизмат турлари билан бир қаторда, янги истиқболли —юридик, консалтинг, банк, молия, суғурта, лизинг ва баҳолаш хизмат турларини жадал ривожлантириш;

мамлакатимиз корхоналарининг халқаро бозордаги хизматлари даражаси ва сифатини ошириш ҳамда шу асосда хизматлар экспортини кўпайтириш;

хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида ишлайдиган кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш.

2. Хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини 2006—2010 йилларда ривожлантириш Дастурининг асосий кўрсаткичлари ва тадбирлари 1—3-иловаларга\* мувофиқ маъқуллансин.

Дастурда белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришиш учун шахсий жавобгарлик вазирликлар, идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Дастур ижросининг боришини тизимли мониторинг қилсин ва чорак, ярим йил ва йил яқунлари бўйича ўтказиладиган ўз мажлисларида кўриб борсин.

3. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда мақсадли кўрсаткичларга эришиш ва асосий йўналишлар бўйича белгиланган тадбирларни бажариш учун зарур ҳажмда молиялашнинг аниқ манбаларини 1 ва 2-иловаларга мувофиқ белгиланган ҳолда 2006—2010 йилларда хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга қаратилган тармоқ дастурларини ишлаб чиқсин ва бир ой муддатда тасдиқласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари бир ой муддатда 2006—2010 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва ҳар бир фуқарони, айниқса, қишлоқ жойларидаги фуқароларни сифатли хизматлар билан таъминлаш бўйича ҳудудий дастурларни қабул қилсин. Мазкур дастурларда анъанавий хизмат турларини кенгайтириш ва янгиларини ривожлантириш учун зарур шароитлар яратиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Аҳоли бандлигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларига 3-иловага мувофиқ имтиёзли кредитлар ажратиш орқали бу соҳада аҳоли бандлиги даражасини ошириш бўйича чоралар кўзда тутилсин.

5. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш борасидаги замонавий даража ва тез ўсаётган талабларга жавоб берадиган мутахассисларни тайёрлаш ишларининг ҳозирги аҳволи қониқарсиз деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда олий ўқув юртлари ва касб-хунар коллежларида мутахассисликлар рўйхати ва хизматлар кўрсатиш соҳаси учун кадрлар тайёрлаш сифатини танқидий ўрганиш асосида бир ой муддатда ўқув жараёнини такомиллаштириш, шу жумладан унинг ишлаб чиқариш билан интеграциясини чуқурлаштириш ҳамда бу ўқув юртларидаги ўқитувчиларнинг малакасини ошириш юзасидан таклифлар киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси:

бир ой муддатда «Ўзстандарт» агентлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда халқаро стандартларга мувофиқ ишлаб чиқилган Фао-

\* 1—3-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

лият турларининг умумдавлат статистика классификаторини тасдиқласин ва уни босқичма-босқич статистика амалиётига киритсин;

аҳоли бандлигининг ҳудудий хусусиятларини ҳамда хизматлар кўрсатиш соҳа-сида статистика маълумотларини тўплаш тизимини ҳисобга олган ҳолда хизматлар-нинг статистик, шу жумладан алоҳида тармоқлар бўйича ҳисоби методологиясини такомиллаштириш дастурини ишлаб чиқсин.

7. 2006 йил 1 апрелдан бошлаб 4-иловадаги\* рўйхатга мувофиқ хизматлар кўрсатаётган юридик шахслар уч йил муддатга даромад (фойда) солиғи ва ягона солиқ тўлови тўлашдан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси юқорида кўрсатилган имти-ёзнинг мақсадли ва аниқ йўналтирилган ҳолда қўлланиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 17 апрель,  
ПҚ-325-сон

+

-

---

\* 4-илова рус тилидаги матнда берилган.

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **134** Патент божлари тўғрисидаги низомни ва патент божлари ставкаларини тасдиқлаш ҳақида

Илмий-техник ва инновация фаолиятини янада ривожлантириш, илмий салоҳиятдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, селекция ютуқларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш, товар белгиларини, хизмат кўрсатиш белгиларини, товарлар келиб чиққан жой номларини, ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларини, интеграл микросхемалар топологияларини рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ харажатларини камайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Патент божлари тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Патент божлари ставкалари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг ҳисоб рақамларига тушадиган миллий ва хорижий валютадаги патент божлари маблағлари қуйидаги тартибда тақсимланади:

хорижий валютадаги маблағларнинг 90 фоизи Давлат бюджети даромадига ўтказилади;

хорижий валютадаги маблағларнинг 10 фоизи ва миллий валютадаги маблағларнинг 100 фоизи улардан идоранинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда ҳамда саноат ва интеллектуал мулкнинг бошқа турларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш (маблағларнинг камида 50 фоизи) соҳасида халқаро ташкилотларда қатнашишда, шунингдек ходимларни моддий рағбатлантиришда фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг бюджетдан ташқари ҳисоб рақамига ўтказилади.

Давлат патент идораси ҳар ўн кунда тушаётган маблағларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг махсус валюта ҳисоб рақамларига ўтказилишини таъминласин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2002 йил 14 июндаги 209-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 6-сон, 32-модда) 3-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси бир ой муддатда ўзининг норматив ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Ушбу қарор 2006 йил 1 июлдан кучга киради.



7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 20 апрель,  
65-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2006 йил 20 апрелдаги 65-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Патент божлари тўғрисида  
НИЗОМ**

1. Мазкур Низом ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, селекция ютуқларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, товар келиб чиққан жойлар номлари, ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базалари, интеграл микросхемалар топологияларини рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ юридик аҳамиятга эга бўлган хатти-ҳаракатлар содир этилганлиги учун патент божлари (кейинги ўринларда бож деб юритилади) тўлаш тартибини, шунингдек уларни тўлашдан озод қилиш ёки қайтариш асосларини белгилайди.

2. Бож Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг (кейинги ўринларда Патент идораси деб юритилади) ҳисоб рақамларига тегишли суммаларни ўтказиш йўли билан тўланади ҳамда тўлов ҳужжати билан тасдиқланади.

3. Бож тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатда буюртманомга ёки патентнинг рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами, унинг учун бож тўланган хатти-ҳаракатга доир гувоҳнома ва унинг номи бўлиши керак. Агар буюртманомга рўйхатдан ўтказиш рақами ҳали берилмаган бўлса, кўрсатиб ўтилган ҳужжатда унинг учун бож тўланган хатти-ҳаракатнинг номи билан биргаликда ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, селекция ютуғи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси номлари, товар келиб чиққан жой, ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базалари, интеграл микросхемалар топологиялари номлари, шунингдек биринчи муаллифнинг фамилияси ёки ариза берувчининг номи бўлиши керак. Патент идораси кўрсатиб ўтилган маълумотлар мавжуд бўлмаган ҳужжатни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4. Тўланган божнинг миқдори белгиланган бож миқдорига мувофиқлиги бож тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилган санада аниқланади.

5. Ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, селекция ютуқлари, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, товар келиб чиққан жой номлари, ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базалари, интеграл микросхемалар топологиялари ҳуқуқий муҳофаза қилиниши билан боғлиқ божнинг тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилмаган тақдирда юридик аҳамиятга эга бўлган хатти-ҳаракат содир этилмайди.

6. Агар давлат экспертизаси ўтказилганлиги учун буюртманомга доир бож ёки ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намунаси вариантлари гуруҳларига буюртманомга берилганлиги ва экспертиза ўтказилганлиги учун божнинг белгиланган миқдоридан кам миқдорда бож тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилган тақдирда, экспертиза ариза берувчи томонидан танланган ёхуд бундай танлов мав-

жуд бўлмаганда, ихтиро, фойдали модель ёки саноат намунаси тавсифида формулада биринчи бўлиб кўрсатилган ва улар учун бож тўланган ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намунаси вариантларига нисбатан ўтказилади.

Агар буюртманома бож буюртманома берилганлиги ҳамда товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси давлат экспертизасидан ўтказилганлиги учун белгиланган миқдордан кам миқдорда тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилган тақдирда, экспертиза Товарлар ва хизматлар халқаро таснифининг ариза берувчи томонидан танланган ва улар учун бож тўланган классларига нисбатан белгиларни рўйхатдан ўтказиш учун ўтказилади.

Ариза берувчи Патент идораси томонидан етишмаётган бож қўшимча равишда тўланиши тўғрисида билдиришнома юборилган санадан бошлаб 3 ой мобайнида зарур суммани тўлаш ҳуқуқига эга.

7. Экспертиза қарори жўнатилган санадан бошлаб уч ой мобайнида муҳофаза ҳужжати рўйхатдан ўтказилганлиги, эълон қилинганлиги ва берилганлиги учун белгиланган миқдорда бож тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилмаган тақдирда ушбу тартиботлар амалга оширилмайди. Бож тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат кўрсатиб ўтилган уч ойлик муддат тамом бўлган кундан бошлаб уч ой мобайнида тақдим этилиши мумкин. Ушбу ҳолатда бож миқдори 50% га кўпаяди.

8. Тўланган буюртманома божи қайтарилмайди.

9. Тўланган бошқа божлар ариза берувчининг — божни тўлаган шахснинг илтимосига кўра божлар белгиланган миқдордан ортиқ миқдорда тўланган ёки унинг учун бож тўланган хатти-ҳаракат содир этилмаган тақдирда қайтарилиши мумкин.

10. Божнинг ортиқча тўланган суммаси илтимос қилувчи шахснинг илтимосига кўра илтимос берилган санада уларни тўлаш мумкин бўлган бошқа божлар тўланиши ҳисобига ўтказилиши мумкин.

11. Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган юридик ва жисмоний шахслар патент божларини миллий валютада тўлайдилар. Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари бўлган юридик ва жисмоний шахслар божни, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро битимларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, АҚШ долларларида ёки АҚШ долларига нисбатан қайта ҳисоблаб чиқилган бошқа эркин муомаладаги валютада тўлайдилар.

12. Божларни қайтаришга доир банк хизматлари учун бож тўлаган шахс ҳисобидан ҳақ тўланади.

13. Ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, селекция ютуқлари, ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базалари, интеграл микросхемалар топологияларининг ягона муаллифлари бўлган ҳамда ўз номига муҳофаза ҳужжати сўраётган 1941—1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ёки уларга тенглаштирилган шахслар, шунингдек I гуруҳ ногиронлари Патент божлари ставкаларининг 1.1-1.3, 2.1-2.3, 3.1-3.2, 4.1-4.2, 5.1-5.2-бандларида назарда тутилган божларни тўлашдан озод қилинадилар.

Ушбу бандда назарда тутилган божни тўлашдан озод қилиш ариза берувчининг илтимосномасига кўра берилади ва қуйидаги ҳужжатларнинг нусхалари бунга асос ҳисобланади:

1941—1945 йиллардаги уруш қатнашчиси ёки унга тенглаштирилган шахснинг гувоҳномаси;

уруш йиллари фронт ортида ишлаганлик (ёки хизмат қилганлик) учун берилган гувоҳнома;

тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси.

Лицензия шартномаси, муҳофаза ҳужжатини бошқа шахсга бериш тўғрисида шартнома тузишда бож миқдорини камайтириш назарда тутилмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2006 йил 20 апрелдаги 65-сон қарорига  
2-ИЛОВА

## Патент божлари ставкалари

### 1. Ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари

Бож коди	Божнинг вазифаси	Ставкалар		Бож тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжатни тақдим этиш муддатлари
		миллий валютада (белги-ланган энг кам ойлик иш ҳақига нисбатан коэффицент)	хорижий валютада (АҚШ доллари)	
<b>1.1. Буюртманомга берилганлиги учун тўланадиган бож</b>				
1.1.1.	Патент беришга ва расмий экспертиза ўтказишга буюртманомга бериш:			Буюртманомга бериш билан бир вақтда
	а) - битта ихтирога	1	420	
	- ихтиролар гуруҳига, қўшимча равишда биттадан ортиқ бўлган ҳар бир ихтирога	0,5	210	
	б) – битта фойдали моделга	1	420	
	- фойдали моделлар гуруҳига, қўшимча равишда биттадан ортиқ бўлган ҳар бир фойдали моделга	0,5	210	
	в) – саноат намунасининг битта вариантыга	1	420	
	- вариантларга, қўшимча равишда иккитадан ўнтагача бўлган ҳар бир вариант учун	0,5	210	
- вариантларга, қўшимча равишда ўнтадан ортиқ бўлган ҳар бир вариант учун	1	420		
<b>1.2. Экспертиза ўтказилганлиги учун тўланадиган бож</b>				
1.2.1.	Қуйидагиларга нисбатан экспертиза ўтказиш:			Расмий экспертиза қарори жўнатилган санадан бошлаб уч ой мобайнида
	- битта фойдали моделга	2	840	
	- фойдали моделлар гуруҳига, биттадан ортиқ бўлган ҳар бир фойдали моделга	2	840	
	- ўнтадан ортиқ бўлган формуланинг ҳар бир боғлиқ бўлган бандига	0,2	84	
	- қўшимча равишда йигирматадан ортиқ формуланинг ҳар бир боғлиқ бўлган бандига	0,1	42	
1.2.2.	Қуйидагиларга нисбатан илмий-техник экспертиза ўтказиш:			
	а) битта ихтирога	3	1260	
	- ихтиролар гуруҳига, қўшимча равишда биттадан ортиқ бўлган ҳар бир ихтирога	3	1260	
	- қўшимча равишда ўнтадан ортиқ бўлган формуланинг ҳар бир боғлиқ бўлган бандига	0,2	84	
	- қўшимча равишда йигирматадан ортиқ бўлган формуланинг ҳар бир боғлиқ бўлган бандига	0,1	42	
	б) – битта саноат намунасига	3	1260	
	- қўшимча равишда иккитадан ўнтагача саноат намунасининг ҳар бир вариантыга	1	420	
	- қўшимча равишда ўнтадан ортиқ бўлган саноат намунасининг ҳар бир вариантыга	2	840	
	в) ихтиро учун берилган буюртманомда халқаро қидириш органларининг бири томонидан тайёрланган халқаро қидириш тўғрисида ҳисобот мажуд бўлган тақдирда, Патент кооперацияси тўғрисидаги шартномага мувофиқ бож миқдори қуйидагиларни ташкил этади:	2,5	1000	

Бож коди	Божнинг вазифаси	Ставкалар		Бож тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжатни тақдим этиш муддатлари
		миллий валютада (белгиланган энг кам ойлик иш ҳақиға нисбатан коэффициент)	хорижий валютада (АҚШ доллари)	
	- битта ихтироға	2,5	1000	
	- ихтиролар гуруҳига, қўшимча равишда биттадан ортиқ бўлган ҳар бир навбатдаги ихтироға	2	840	
	- қўшимча равишда ўнтадан ортиқ бўлган формуланинг ҳар бир боғлиқ бўлган бандига	0,2	84	
	- қўшимча равишда йигирматадан ортиқ бўлган формуланинг ҳар бир боғлиқ бўлган бандига	0,1	42	
<b>1.3. Патентларни рўйхатдан ўтказиш, эълон қилиш ва бериш</b>				
1.3.1.	Ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намунасини рўйхатдан ўтказиш	0,6	250	Экспертиза қарори жўнатилган санадан бошлаб уч ой мобайнида
1.3.2.	Эълон қилиш:			
	а) расмий бюллетенда рўйхатдан ўтказилган ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари тўғрисидаги маълумотлар	0,2	84	
	б) ихтироға, фойдали моделға тавсиф: - 35 варақчаға бўлган ҳажмда, шу жумладан формула, чизмалар, реферат ва бошқа материаллар	0,6	250	
	- қўшимча равишда 35 варақдан ортиқ бўлган ҳар бир навбатдаги варақ учун	0,01	8,4	
1.3.3.	Патентларни, олдиндан бериладиган патентлар бериш	3	250	
<b>1.4. Патентларнинг амал қилишини сақлаганлик учун тўланадиган бож</b>				
1.4.1.	Фойдали моделға патентнинг амал қилишининг ҳар бир йили учун буюртманома берилган санадан бошлаб ҳар йили сақлаш:			Биринчи йил учун — патент рўйхатдан ўтказилганлиги, эълон қилинганлиги ва берилганлиги учун бож тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат билан бир вақтда, кейинги йиллар учун — жорий йилда патентнинг амал қилиш муддати тамом бўлишиға қадар охириги уч ой мобайнида
	а) 5 йил доирасида	2	840	
	б) 6—8 йил доирасида	5	420	
1.4.2.	Рўйхатдан ўтказилган санадан бошлаб вақти-вақти билан ихтироға патентнинг амал қилишини сақлаш:			Уч йил учун — патент берилганлиги учун бож тўланганлигини
	уч йил учун	2	840	
	етти йил учун	4	1680	

Бож коди	Божнинг вазифаси	Ставкилар		Бож тўланган-лиги тўғрисидаги ҳужжатни тақдим этиш муддатлари
		миллий валютада (белгиланган энг кам ойлик иш ҳақиға нисбатан коэффициент)	хорижий валютада (АҚШ доллари)	
	ўн бир йил учун	6	2500	
1.4.3	Амал қилишининг учинчи йилидан бошлаб саноат намунасиға патентнинг амал қилишини ҳар йили сақлаш:			тасдиқловчи ҳужжат билан бир вақтда. Кейинги йиллар учун — патентнинг амал қилиш муддати тамом бўлганиға қадар уч ой мобайнида
	уч йил учун	1	420	
	тўртинчи—еттинчи йиллар учун	1,5	630	
	саккизинчи—ўнинчи йиллар учун	2	840	
	ўн биринчи—ўн бешинчи йиллар учун (узайтирилган ҳар бир йил учун)	3	1260	
1.4.4	Олдиндан берилган патентнинг, патентнинг амал қилиш муддати ўтгандан кейин 6 ойлик муддат берганлик учун қўшимча бож	белгиланган бож миқдорининг 50 фоизи		Узайтириш тўғрисида ариза бериш билан бир вақтда
<b>1.5. Ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналарига ҳуқуқлар бериш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш</b>				
1.5.1	Қуйидагилардан иборат бўлган лицензия шартномасини рўйхатдан ўтказиш:			Ариза бериш билан бир вақтда
	- ихтироға, саноат намунасиға, фойдали моделға битта патент	2	840	
	- ихтироға, саноат намунасиға, фойдали моделға бир нечта патент, лицензия шартномасида кўрсатилган ҳар бир муҳофаза ҳужжати учун қўшимча равишда	1	420	
1.5.2	Қуйидагиларға бўлган ҳуқуқни бошқаға бериш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш:			
	- ихтироға, фойдали моделға, саноат намунасиға патент	3	1260	
	- ихтироға, фойдали моделға, саноат намунасиға бир нечта патент, ҳуқуқини бошқаға бериш тўғрисидаги шартномада кўрсатилган ҳар бир муҳофаза ҳужжати учун қўшимча равишда	2	840	
1.5.3	Ихтиродан, фойдали моделдан, саноат намунасидан фойдаланишға ҳуқуқни исталган шахсға бериш тўғрисидаги ариза ҳақидаги маълумотларни эълон қилиш (очиқ лицензия)	0,2	84	
<b>1.6. Ўзгартиришлар киритиш</b>				
1.6.1	Аризачининг ташаббусиға кўра ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси юзасидан буюртманомға, шу жумладан ихтиро, фойдали модель формуласиға, давлат экспертизаси қарори чиққунгача саноат намунасининг муҳим белгилари рўйхатиға тузатишлар, қўшимчалар ва аниқликлар киритиш	0,5	210	Ўзгартиришлардан иборат материаллар билан бир вақтда
1.6.2	Ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси рўйхатдан ўтказилгунгача аризачини ўзгартириш	0,5	210	Ўзгартириш тўғрисида ариза бериш билан бир вақтда

Бож коди	Божнинг вазифаси	Ставкалар		Бож тўланган-лиги тўғрисидаги ҳужжатни тақдим этиш муддатлари
		миллий валютада (белгиланган энг кам ойлик иш ҳақиға нисбатан коэффициент)	хорижий валютада (АҚШ доллари)	
1.6.3	Ихтироға, фойдали моделға, саноат намунасиға буюртманомани ажратиш, дастлабки буюртманомадан ажратилган ҳар бир буюртманома учун (биргалик бузилган тақдирда)	2	840	Ажратилган буюртманомани бериш билан бир вақтда
1.6.4	Рўйхатдан ўтказилган лицензия шартномасиға ва патентни бошқаға бериш тўғрисидаги шартномаға ўзгартиришлар киритиш	0,5	210	Ўзгартиришлардан иборат материаллар билан бир вақтда
1.6.5	Ихтироға буюртманомани фойдали моделға буюртманомаға ўзгартириш	0,3	125	Буюртманомаларни ўзгартириш тўғрисида ариза бериш билан бир вақтда
1.6.6	Фойдали моделға буюртманомани ихтироға буюртманомаға ўзгартириш	0,5	210	
<b>1.7. Ҳужжатларни тақдим этиш муддатларини узайтириш ва тиклаш</b>				
1.7.1.	Ихтироға, фойдали моделға, саноат намуналарига буюртманомалар бўйича экспертиза сўровига жавоб беришнинг қонунда белгиланган муддатини узайтириш, узайтирилган ҳар бир ой учун:			Белгиланган муддатни узайтириш тўғрисида илтимоснома бериш билан бир вақтда
	- белгиланган муддат тугаган санадан бошлаб 6 ойгача доирасида	0,2	84	
	- 6 ойдан 12 ойгача	1	420	
1.7.2.	Ихтироға, фойдали моделға, саноат намунасиға буюртманомалар саноат мулкани муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенциясида белгиланган муддатдан кечикиб берилганда конвенцион устуворликни сўраш муддатини кўпи билан 2 ойға узайтириш	0,5	210	Ариза бериш билан бир вақтда
1.7.3.	Куйидаги муддатлар доирасида берилган илтимоснома бўйича, ихтироларға, фойдали моделларға, саноат намуналарига буюртманомалар юзасидан экспертиза сўровига жавоб беришнинг қонунда белгиланган, аризачи томонидан ўтказиб юборилган муддатини тиклаш:			Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш билан бир вақтда
	- белгиланган муддат тугаган санадан бошлаб 6 ойгача	1,4	600	
	- 6 ойдан 12 ойгача	3	1260	
<b>2. Селекция ютуқлари</b>				
<b>2.1. Буюртманома божлари</b>				
	Селекция ютуқларига патент бериш юзасидан буюртманомалар бериш ва расман экспертиза ўтказиш	1	420	Буюртманома бериш билан бир вақтда

Бож коди	Божнинг вазифаси	Ставкалар		Бож тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжатни тақдим этиш муддатлари
		миллий валютада (белги-ланган энг кам ойлик иш ҳақиға нисбатан коэффицент)	хорижий валютада (АҚШ доллари)	
<b>2.2. Патентга муносиблик юзасидан экспертиза ўтказиш учун бошлар</b>				
2.2.1.	Селекция ютуғининг янгилик эканлиги юзасидан экспертиза ўтказиш	3	1260	Қўриб чиқишга буюртманома қабул қилинган тўғрисидаги билдиришнома жўнатилган санадан бошлаб уч ой мобайнида
2.2.2.	Селекция ютуғининг фарқлиниши, ўхшашлиги ва барқарорлиги юзасидан синовлар ўтказиш	15	6300	Буюртманома синов режасига киритилгани тўғрисида билдиришнома жўнатилган санадан бошлаб уч ой мобайнида
<b>2.3. Патентларни рўйхатдан ўтказиш, эълон қилиш ва бериш</b>				
2.3.1.	Селекция ютуғини рўйхатдан ўтказиш	0,6	250	Экспертиза қарори жўнатилган санадан бошлаб уч ой мобайнида
2.3.2.	Эълон қилиш:			
	а) расмий ахборотномада: - селекция ютуғи юзасидан буюртманома қабул қилинган тўғрисидаги маълумотлар	0,2	84	
	- рўйхатдан ўтказилган селекция ютуқлари тўғрисидаги маълумотлар	0,2	84	
	б) селекция ютуғига тавсифлар: -реферат ва бошқа материаллар билан бирга 35 листгача ҳажмда: - 35 листдан ортиқ кейинги ҳар бир лист учун	0,6	250	
2.3.3.	Патентлар бериш	0,6	250	
<b>2.4. Селекция ютуқларига патентнинг амал қилишини сақлаш учун бошлар</b>				
2.4.1.	Селекция ютуғига патентни рўйхатдан ўтказилган санадан бошлаб ўз кучида сақлаш, амал қилишининг ҳар бир йили учун:			Биринчи йил учун — патентни рўйхатдан ўтказиш, эълон қилиш ва бериш учун бож тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат билан бир вақтда. Кейинги йилларда жорий йилда
	биринчи йил учун	1	420	
	иккинчи йил учун	1,2	500	
	учинчи йил учун	1,4	590	
	тўртинчи йил учун	1,8	760	
	бешинчи йил учун	2,2	920	
	олтинчи йил учун	2,2	920	
	еттинчи йил учун	3	1260	
	саккизинчи йил учун	3	1260	
	тўққизинчи йил учун	4	1680	
	ўнинчи йил ва ундан кейинги ҳар бир йил учун	5	2100	
йигирма бир—ўттизинчи йиллар учун (узайтириш)	6	2520		

Бож коди	Божнинг вазифаси	Ставкалар		Бож тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжатни тақдим этиш муддатлари
		миллий валютада (белгиланган энг кам ойлик иш ҳақиға нисбатан коэффициент)	хорижий валютада (АҚШ доллари)	
				патентнинг амал қилиш муддати тугагунгача охириги уч ой мобайнида
2.4.2.	Патентнинг амал қилиш муддати тугагандан кейин 6 ой муддат берганлик учун қўшимча бож	белгиланган бож миқдорининг 50 фоизи		Муддатни узайтириш тўғрисида ариза бериш билан бир вақтда
<b>2.5. Селекция ютуқларига ҳуқуқларни бериш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш</b>				
2.5.1.	Қуйидагилардан иборат лицензия шартномасини рўйхатдан ўтказиш:			Ҳуқуқни бериш тўғрисидаги ариза билан бир вақтда
	- селекция ютуғига битта патент	2	840	
	- селекция ютуғига бир нечта патент, лицензия шартномасида кўрсатилган ҳар қайси патент учун қўшимча равишда	0,5	420	
2.5.2.	Селекция ютуғига патентни бошқага бериш тўғрисидаги шартномани рўйхатдан ўтказиш	3	1260	
2.5.3.	Селекция ютуғидан фойдаланишга ҳуқуқни исталган шахсга бериш тўғрисидаги аризага доир маълумотларни эълон қилиш (очиқ лицензия)	0,2	84	Ариза бериш билан бир вақтда
<b>2.6. Ўзгартиришлар киритиш</b>				
2.6.1.	Давлат экспертизаси қарори чиққунгача селекция ютуғига буюртманомага тузатишлар, қўшимчалар ва аниқликлар киритиш	0,5	210	Ўзгартиришлардан иборат материаллар билан бир вақтда
2.6.2.	Селекция ютуғи рўйхатдан ўтказилгунгача аризачини ўзгартириш	0,5	210	Ўзгартириш тўғрисида ариза бериш билан бир вақтда
2.6.3.	Селекция ютуғига буюртманомани ажратиш, дастлабки буюртманомадан ажратилган ҳар бир буюртманома учун (биргалик бузилган тақдирда)	2	840	Буюртманомани ажратиш тўғрисида ариза бериш билан бир вақтда
2.6.4.	Рўйхатдан ўтказилган лицензия шартномасига ва патентни бошқага бериш тўғрисидаги шартномага ўзгартиришларни рўйхатдан ўтказиш	0,5	210	Ўзгартиришлардан иборат материаллар билан бир вақтда
<b>2.7. Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш</b>				
	Қуйидаги муддатларга берилган илтимоснома бўйича аризачи томонидан ўтказиб юборилган қонунда белгиланган муддатни тиклаш:			Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисида
	- белгиланган муддат тугаган санадан бошлаб 2 ойгача	0,6	250	



Бож коди	Божнинг вазифаси	Ставкалар		Бож тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжатни тақдим этиш муддатлари
		миллий валютада (белги-ланган энг кам ойлик иш ҳақига нисбатан коэффициент)	хорижий валютада (АҚШ доллари)	
	- 3 ойдан 4 ойгача	1	420	илтимоснома бериш билан бир вақтда
	- 6 ойгача	1,2	500	
<b>3. Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, товарлар келиб чиқиш жойининг номи</b>				
<b>3.1. Буюртманомалар божлари</b>				
3.1.1.	Товар белгисини, хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказишга ва буюртманомалардаги кўрсаткичларни давлат экспертизасидан ўтказишга буюртманомалар бериш:			Буюртманомалар бериш билан бир вақтда
	- МКТУ битта класс учун	1,4	600	
	- биттадан ортиқ ҳар бир МКТУ класс учун	0,1	60	
	- жамоа белгисининг МКТУ битта класс учун	1,4	600	
	- биттадан ортиқ жамоа белгисининг МКТУ ҳар бир класс учун	0,1	60	
3.1.2.	Товар келиб чиққан жой номини рўйхатдан ўтказишга ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини беришга, товарнинг рўйхатдан ўтказиб бўлинган келиб чиққан жойдан фойдаланиш ҳуқуқини беришга ва давлат экспертизаси ўтказишга буюртманомалар бериш	1,4	600	
<b>3.2. Рўйхатдан ўтказиш, эълон қилиш ва гувоҳнома бериш</b>				
3.2.1.	Товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини рўйхатдан ўтказиш	0,6	250	Экспертиза қарори жўнатилган санадан бошлаб уч ой мобайнида
3.2.2.	Товар белгилари, товар келиб чиққан жой номлари тўғрисидаги маълумотларни расмий ахборотномада эълон қилиш	0,2	84	
3.2.3.	Гувоҳнома бериш	0,6	250	
<b>3.3. Гувоҳномаларнинг амал қилишини сақлаш учун божлар</b>				
3.3.1.	Товар белгисига гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш учун:			Биринчи йил учун — рўйхатдан ўтказиш, эълон қилиш ва гувоҳнома бериш учун бож тўланганини тасдиқловчи ҳужжат билан бир вақтда. Кейинги йиллар учун — гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугагунгача охири уч ой мобайнида
	- МКТУ битта класс учун	1,4	600	
	- биттадан ортиқ ҳар бир класс учун	0,1	60	
3.3.2.	Жамоа белгисига гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш учун:			
	- МКТУ битта класс учун	2,8	1200	
	- биттадан ортиқ ҳар бир класс учун	0,2	120	
3.3.3.	Товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқига гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш учун	1,4	600	

Бож коди	Божнинг вазифаси	Ставкалар		Бож тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжатни тақдим этиш муддатлари
		миллий валютада (белгиланган энг кам ойлик иш ҳақиға нисбатан коэффицент)	хорижий валютада (АҚШ доллари)	
3.3.4.	Гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугагандан кейин 6 ойлик муддат бериш учун қўшимча бож	белгиланган бож миқдорининг 50 фоизи		Муддатни узайтириш тўғрисида ариза бериш билан бир вақтда
<b>3.4. Товар белгиларига ҳуқуқлар бериш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш</b>				
3.4.1.	Қуйидагилардан иборат бўлган лицензия шартномасини рўйхатдан ўтказиш:			Ҳуқуқ бериш тўғрисидаги ариза билан бир вақтда
	- битта товар белгиси	2	840	
	- бир нечта товар белгилари; лицензия шартномасида кўрсатилган ҳар бир товар белгиси учун қўшимча равишда	1	420	
3.4.2.	Қуйидагиларни бериш тўғрисидаги шартномани рўйхатдан ўтказиш:			
	- битта товар белгисини	3	1260	
	- бир нечта товар белгиларини; бериш тўғрисидаги шартномада кўрсатилган ҳар бир товар белгиси учун қўшимча равишда	1,5	630	
<b>3.5. Ўзгартиришлар киритиш</b>				
3.5.1.	Давлат экспертизаси қарори чиққунгача аризачининг ташаббусига кўра товар белгисига буюртманомага ва товар келиб чиққан жой номини рўйхатдан ўтказишга буюртманомага тузатишлар, қўшимчалар ва аниқликлар киритиш	0,5	210	Ўзгартиришлардан иборат материаллар билан бир вақтда
3.5.2.	Товар белгисига ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқига ўзгартиришлар киритиш	1	420	
3.5.3.	Рўйхатдан ўтказилган лицензия шартномасига ва ҳуқуқлар бериш тўғрисидаги шартномага ўзгартиришларни рўйхатдан ўтказиш	0,5	210	
3.5.4.	Товар белгисига буюртманомаларни ажратиш (дастлабки буюртманомадан ажратилган ҳар бир буюртманома учун) ёки товар белгисини рўйхатдан ўтказишни ажратиш (янгидан пайдо бўлган ҳар бир рўйхатдан ўтказиш учун)	1,4	600	Ажратиш тўғрисида илтимоснома бериш билан бир вақтда
3.5.5.	Буюртманома берилган санадан товар белгисини рўйхатдан ўтказиш санасигача бўлган даврда берилган товар белгисини рўйхатдан ўтказиш юзасидан буюртманомага ҳуқуқни бошқага бериш муносабати билан аризачини ўзгартириш	1,5	630	Ўзгартиришлардан иборат материаллар билан бир вақтда
<b>3.6. Экспертиза сўрови бўйича ҳужжатларни тақдим этиш муддатларини узайтириш ва тиклаш</b>				
3.6.1.	Товар белгиларига, товар келиб чиққан жой номига буюртманомалар бўйича экспертиза сўровига жавоб беришнинг қонунда белгиланган муддатини узайтириш, узайтиришнинг ҳар бир ойи учун	0,2	84	Узайтириш тўғрисида ариза бериш билан бир вақтда

Бож коди	Божнинг вазифаси	Ставкалар		Бож тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжатни тақдим этиш муддатлари
		миллий валютада (белгиланган энг кам ойлик иш ҳақиға нисбатан коэффициент)	хорижий валютада (АҚШ доллари)	
3.6.2.	Товар белгиларига, товар келиб чиққан жой номига буюртманомалар бўйича экспертиза сўровига жавоб беришнинг қонунда белгиланган, аризачи томонидан ўтказиб юборилган муддатини тиклаш	0,6	250	Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш билан бир вақтда
<b>4. ЭҲМ ва маълумотлар базалари учун дастурлар</b>				
<b>4.1. Буюртманома божлари</b>				
	ЭҲМ ва маълумотлар базалари учун дастурларни рўйхатдан ўтказишга ва давлат экспертизаси ўтказишга буюртманомалар бериш	1	420	Буюртманомалар бериш билан бир вақтда
<b>4.2. Рўйхатдан ўтказиш, эълон қилиш ва гувоҳномалар бериш</b>				
4.2.1.	ЭҲМ ва маълумотлар базалари учун дастурларни рўйхатдан ўтказиш	0,6	250	Экспертиза қарори жўнатилган санадан бошлаб уч ой мобайнида
4.2.2	ЭҲМ ва маълумотлар базалари учун рўйхатдан ўтказилган дастурлар тўғрисидаги маълумотларни расмий ахборотномада эълон қилиш	0,2	84	
4.2.3	Гувоҳномалар бериш	0,6	250	
<b>4.3. ЭҲМ ва маълумотлар базалари учун дастурларга ҳуқуқлар бериш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш</b>				
4.3.1	ЭҲМ ва маълумот базалари учун дастурга барча мулкӣ ҳуқуқларни бошқага тўлиқ бериш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш	3	1260	Ҳуқуқ бериш тўғрисидаги ариза билан бир вақтда
4.3.2	ЭҲМ ва маълумотлар базалари учун дастурга мулкӣ ҳуқуқлар бериш тўғрисидаги шартномани рўйхатдан ўтказиш	2	840	
<b>4.4. Ўзгартиришлар киритиш</b>				
	Давлат экспертизаси қарори чиқарилгунгача ЭҲМ ва маълумотлар базаси учун дастур юзасидан буюртманомага тузатишлар, тўлдиришлар ва аниқликлар киритиш	0,5	210	Ўзгартиришлардан иборат материаллар билан бир вақтда
<b>5. Интеграл микросхемалар топологиялари</b>				
<b>5.1. Буюртманома божлари</b>				
	Интеграл микросхемалар топологияларини рўйхатдан ўтказишга ва давлат экспертизаси ўтказишга буюртманомалар бериш	1	420	Буюртманомалар бериш билан бир вақтда
<b>5.2. Рўйхатдан ўтказиш, эълон қилиш ва гувоҳномалар бериш</b>				
5.2.1	Интеграл микросхемалар топологияларини рўйхатдан ўтказиш	0,6	250	Экспертиза қарори жўнатилган санадан бошлаб уч ой мобайнида
5.2.2	Рўйхатдан ўтказилган интеграл микросхемалар топологиялари тўғрисидаги маълумотларни расмий ахборотномада эълон қилиш	0,2	84	
5.2.3	Гувоҳномалар бериш	0,6	250	

Бож коди	Божнинг вазифаси	Ставкалар		Бож тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжатни тақдим этиш муддатлари
		миллий валютада (белгиланган энг кам ойлик иш ҳақиға нисбатан коэффициент)	хорижий валютада (АҚШ доллари)	
<b>5.3. Интеграл микросхемалар топологиясига ҳуқуқлар бериш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш</b>				
	Интеграл микросхемалар топологиясига ҳуқуқлар бериш тўғрисидаги шартномани рўйхатдан ўтказиш	2	840	Ҳуқуқ бериш тўғрисида ариза билан бир вақтда
<b>5.4. Ўзгартиришлар киритиш</b>				
	Давлат экспертизаси қарори чиқарилгунгача интеграл микросхемалар топологияси юзасидан буюртманомага тузатишлар, қўшимчалар ва аниқликлар киритиш	0,5	210	Ўзгартиришлардан иборат материаллар билан бир вақтда
<b>6. Апелляцияларни Апелляция кенгаши томонидан кўриб чиқиш</b>				
<b>6.1. Патент идорасининг қарорлари юзасидан апелляциялар</b>				
6.1.1	Буюртманомаларнинг расман экспертизаси натижалари бўйича қабул қилинган қарорлар юзасидан апелляциялар	0,6	250	Апелляция бериш билан бир вақтда
6.1.2	Куйидагилар бўйича қабул қилинган қарорлар юзасидан апелляциялар:			
	а) фойдали моделга буюртманомалар экспертизаси	1	420	
	б) янги селекция ютуғи экспертизаси	1	420	
	в) ихтиро, саноат намунасига буюртманомалар моҳияти бўйича экспертиза	1,4	590	
	г) селекция ютуғини фарқланиши, бир хиллиги ва барқарорлиги юзасидан синаб кўриш	1,4	590	
	д) кўрсатилган белги, шу жумладан халқаро рўйхатдан ўтказиш предмети ҳисобланган белги экспертизаси	1,4	590	
<b>6.2. Ҳуқуқий муҳофаза қилишга қарши апелляция</b>				
	Ихтиро, фойдали модель, саноат намуналари, селекция ютуқларига патент ёки интеграл микросхемалар топологияларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисида гувоҳнома беришга қарши апелляциялар	2	840	Апелляция бериш билан бир вақтда
<b>6.3. Муҳофаза ҳужжатининг амал қилишига қарши апелляциялар</b>				
	Ихтиро, фойдали модель, саноат намуналари, селекция ютуқларига патентларнинг ҳақиқийлигига қарши апелляциялар Интеграл микросхемалар топологияларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги, товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси, товарларнинг келиб чиқиш жойи номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномаларнинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги апелляциялар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгини халқаро рўйхатдан ўтказишнинг амал қилишига қарши апелляциялар	3	1260	Апелляция бериш билан бир вақтда

Бож коди	Божнинг вазифаси	Ставкалар		Бож тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжатни тақдим этиш муддатлари
		миллий валютада (белги-ланган энг кам ойлик иш ҳақиға нисбатан коэффициент)	хорижий валютада (АҚШ доллари)	
<b>6.4. Товарнинг келиб чиқиш жойи номини рўйхатдан ўтказишни бекор қилиш тўғрисидаги апелляциялар</b>				
	Товарнинг келиб чиқиш жойи номини рўйхатдан ўтказишни бекор қилиш тўғрисидаги апелляциялар	2	840	Апелляция бериш билан бир вақтда
<b>6.5. Ўзбекистон Республикасида барчаға маълум бўлган товар белгисини эътироф этиш тўғрисидаги апелляциялар</b>				
	Ўзбекистон Республикасида барчаға маълум бўлган товар белгисини эътироф этиш тўғрисидаги апелляциялар	4	1680	Апелляция бериш билан бир вақтда
<b>6.6. Сўралаётган материалларни тақдим этиш муддатларини узайтириш</b>				
	Сўралаётган материалларни тақдим этиш муддатларини узайтириш, узайтиришнинг ҳар бир ойи учун	0,2	84	Илтимоснома бериш билан бир вақтда
<b>7. Бошқа божлар</b>				
7.1	Муаллифлик гувоҳномалари ёки собиқ СССР гувоҳномалари (уларға мувофиқ буюртманомалар берилган санадан бошлаб тегишли равишда 20 йил муддат ўтмаган бўлса) асосида ихтироға ёки селекция ютуғига Ўзбекистон Республикаси патенти бериш юзасидан ариза бериш	5		Ариза бериш билан бир вақтда

Вазирлар Маҳкамасининг  
2006 йил 20 апрелдаги 65-сон қарорига  
З-ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2002 йил 14 июндаги 209-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар**

а) 3-бандда:

биринчи—тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбоши тегишли равишда биринчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) қарорға 3-иловада:

6-бандда:

биринчи хатбошидан «ва сўмдаги» сўзлари чиқариб ташлансин;

иккинчи хатбошидаги «ва сўмдаги» сўзлари чиқариб ташлансин, «95» рақами эса «90» рақами билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «5» рақами «10» рақами билан алмаштирилсин;

7-банднинг иккинчи ва учинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«камида 50 фоизидан — идоранинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, кадрлар тайёрлаш, хизмат сафари харажатларини, шунингдек саноат объектларини

ва интеллектуал мулкнинг бошқа турларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш масалалари бўйича халқаро ташкилотларда Ўзбекистон Республикасининг иштирок этиши билан боғлиқ харажатларни қоплашда;

қолган маблағлардан — идора ходимларини моддий рағбатлантиришда фойдаланиш мумкин»;

10-банддаги «тушган маблағлар умумий ҳажмининг кўпи билан 25 фоизи миқдорда» сўзлари «мазкур Низомнинг 7-бандига мувофиқ» сўзлари билан алмаштирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2006 йил 20 апрелдаги 65-сон қарорига  
4-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Патент божлари тўғрисидаги низомни ва патент божлари ставкаларини тасдиқлаш ҳақида» 2002 йил 14 октябрдаги 357-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 10-сон, 59-модда) 1-банди, шунингдек қарорга 1 ва 2-иловалар.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг Апелляция кенгаши тўғрисидаги низомни ҳамда Патент вакиллари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2003 йил 1 июлдаги 298-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 55-модда) 1-банди, шунингдек қарорга 3-илова.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига ажратмаларни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 25 октябрдаги 499-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 10-сон, 100-модда) 3-илова 19-бандининг иккинчи хатбоши.

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**135** Кредит ахбороти миллий институтининг маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда Банклараро кредит бюроси ва тижорат банкларига кредит ахборотини тақдим этиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил  
18 апрелда 1562-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 28 апрелдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 15 апрелдаги ПҚ–56-сонли қарорига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қарз олувчиларнинг кредит тарихи тўғрисидаги ахборотни ҳисобга олиш тизимини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 23 апрелдаги 197-сонли қарорига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. «Кредит ахбороти миллий институтининг маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда Банклараро кредит бюроси ва тижорат банкларига кредит ахборотини тақдим этиш тартиби тўғрисида»ги низом (янги таҳрирда) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор кучга кириши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 21 майдаги ««Кредит ахбороти миллий институтининг маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда Банклараро кредит бюросига ва тижорат банкларига кредит ахбороти тақдим этиш тартиби тўғрисида»ги низомни (2004 йил 1 июль, рўйхат рақами 1379) тасдиқлаш тўғрисида»ги 12/1-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 11 март,  
7/2-сон

Марказий банки Бошқарувининг  
2006 йил 11 мартдаги 7/2-сон  
қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Кредит ахбороти миллий институтининг маълумотлар базасини  
шакллантириш ҳамда Банклараро кредит бюроси ва тижорат  
банкларига кредит ахборотини тақдим этиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ  
(янги тахрирда)**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида», «Банк сири тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 апрелдаги 197-сон «Қарз олувчиларнинг кредит тарихи тўғрисидаги ахборотни ҳисобга олиш тизимини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Кредит ахбороти миллий институти (кейинги матнда — КАМИ) томонидан тижорат банкларининг кредит, лизинг ҳамда факторинг операциялари ва уларнинг қарздорлари тўғрисидаги ахборотни йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш ва тақдим этиш тартибини белгилаб беради.

**I. Умумий қоидалар**

— 1. КАМИ тижорат банкларининг кредит операциялари ва уларнинг қарздорлари тўғрисидаги маълумотларни йиғади ва таҳлил қилади, улар бўйича маълумотлар базасини шакллантиради, кредит ахборотининг ягона реестрини (кейинги матнда — реестр) юритади ҳамда Банклараро кредит бюроси (кейинги матнда — БКБ) ва тижорат банкларига ахборот тақдим этади. +

2. Тижорат банклари томонидан тақдим этиладиган кредит, лизинг ҳамда учинчи шахслардан мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини олиш тўғрисидаги (кейинги матнда — факторинг) шартномалар шартлари, гаровга олинган мулк, кафолатлар (кафилликлар, кредит таваккалчилигини суғурталаш) тўғрисидаги ахборот, шунингдек давлат статистика ва иқтисодиёт органлари, нодавлат ташкилотлари ва хўжалик субъектларидан қонун ҳужжатларида тақиқланмаган тартибда ва асосларда олинган маълумотлар КАМИ реестрини шакллантириш манбаи ҳисобланади.

**II. Тижорат банклари томонидан ахборотни тақдим этиш  
тартиби ва муддати**

3. Тижорат банклари КАМИга мазкур Низомда белгиланган тартибда қуйидаги ахборотни тақдим этишга мажбурдирлар:

потенциал қарз олувчилар томонидан тақдим этилган кредит буюртмалари тўғрисидаги маълумотлар;

банк кредит қўмитаси томонидан кўриб чиқилган кредит буюртмалари тўғрисидаги маълумотлар;

тузилган кредит, лизинг ҳамда факторинг (кейинги матнда — кредит) шартномалари тўғрисидаги маълумотлар;

кредит буюртмаларини кўриб чиқиш давомида қарздорлар тўғрисида банкка маълум бўлган маълумотлар;



қарздорлар томонидан банк билан тузилган кредит шартномалари бўйича мажбуриятлар бажарилишининг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар.

4. Тушган кредит буюртмалари тўғрисидаги маълумотлар, 1-иловага мувофиқ шаклда, буюртма тушган кундан бошлаб бир иш кунидан кечикмаган ҳолда тақдим этилади.

5. Рад этилган кредит буюртмалари тўғрисидаги маълумотлар, 2-иловага мувофиқ шаклда, тегишли қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир иш кунидан кечикмаган ҳолда тақдим этилади.

Тузилган кредит шартномалари ҳақидаги маълумотлар, 3-иловага мувофиқ шаклда, тегишли шартномалар тузилган кундан бошлаб бир иш кунидан кечикмаган ҳолда тақдим этилади.

6. Қарздорлар томонидан тузилган кредит шартномалари бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши ҳақидаги маълумотлар, 4—6-иловаларга мувофиқ шаклларда, операциялар бажарилгандан сўнг бир иш кунидан кечикмаган ҳолда тақдим этилади.

7. Маълумотларни тайёрлаш ва жўнатиш, шунингдек реестрдан ахборот олиш банк Бошқаруви раиси (раҳбари) томонидан тайинланадиган банкнинг ваколатли ходими томонидан амалга оширилади.

Банкнинг ваколатли ходими тўғрисидаги маълумотлар КАМИга у тайинлангандан сўнг уч иш кунидан кечикмаган ҳолда юборилиши шарт.

Ваколатли ходим тақдим этиладиган маълумотларнинг махфийлигини банк сири тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган тартибда таъминлашга мажбурдир.

+

### III. Кредит ахборотини йиғиш, қайта ишлаш ва сақлаш тартиби

-

8. Банклар томонидан маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Бош ахборотлаштириш маркази ёки Минтақавий ахборотлаштириш марказлари (кейинги матнда — БАМ) электрон алоқа тизими орқали Марказий банкнинг меъёрий талабларига мувофиқ белгиланган форматда шифрланган файл кўринишида тақдим этилади.

9. Банклардан олинган маълумотлар БАМ томонидан КАМИ серверида автоматик тарзда қайта ишланади ва реестрга киритилади.

Реестрга киритилган ҳар бир кредит буюртмасига БАМ уникал (хос) код беради. Хос код буюртма берувчи банкининг коди, буюртма тушган сана ва солиқ тўловчининг идентификацион рақами (СТИР)дан иборат бўлади. Кредит буюртмасининг хос коди уни реестрдан чиқарилгунга қадар сақланади.

10. Банк томонидан кредит берилиши тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, кредит буюртмасининг хос коди автоматик тарзда буюртма берувчи ва банк ўртасида тузилган кредит шартномасига берилади.

Кредит буюртмаси буюртма берувчининг кредитга лаёқатлилиги ва ишчанлик обрўси билан боғлиқ бўлмаган сабаблар билан рад этилган тақдирда, ушбу кредит буюртмаси реестрдан чиқарилади.

Кредит буюртмаси буюртма берувчининг кредитга лаёқатлилиги ва ишчанлик обрўси билан боғлиқ бўлган сабаблар билан рад этилган тақдирда, банк томонидан тегишли қарор қабул қилинган кундан Зой ўтгандан сўнг ушбу кредит буюртмаси реестрдан чиқарилади.

11. Кредит ахбороти қуйидаги ҳолларда реестрдан чиқарилиши мумкин:

қарздор шартнома бўйича ўз мажбуриятларини вақтида ва тўлиқ бажарган ҳолларида кредит шартномаси бекор қилинган тақдирда 5 йил ўтгандан кейин;

қарздор ўз мажбуриятларини лозим бўлган тарзда бажармаган ёки банклар томонидан кредит қолдигининг суммасини «Кўзда тутилмаган ҳолатлар» ҳисобва-рағига ўтказилган ҳолларида кредит тўланган тақдирда 10 йил ўтгандан кейин.

Ноаниқ ахборот тижорат банкининг хатига асосан реестрдан чиқарилиши мумкин. КАМИ рўйхатдан чиқарилган ноаниқ ахборотнинг электрон баённомасини юритади ва у бир йил давомида сақланади.

Кредит ахборотини бошқа асослар бўйича реестрдан чиқарилишига йўл қўйилмайди.

12. Берилаётган ахборот сифатини назорат қилиш мақсадида КАМИ белгиланган тартибда тижорат банкларининг Марказий банкнинг бўлинмалари томонидан олинган маълумотларини олиш ҳуқуқига эга.

#### **IV. Банк назоратини амалга ошириш мақсадида кредит ахборотидан фойдаланиш**

13. Банк назорати функцияларини амалга ошириш, кредит сиёсатидаги ўзгаришларни ва тижорат банкларининг кредит портфели ҳолатини таҳлил этиш мақсадида реестрда сақланаётган кредит ахбороти Марказий банкнинг Тижорат банкларига лицензиялар бериш ва улар фаолиятини тартибга солиш департаментига ҳар ойда ёки ёзма сўровнома асосида, Марказий банкнинг Тижорат банкларини назорат қилиш департаментига ёзма сўровнома асосида, Марказий банкнинг бошқа бўлинмаларига Марказий банк раҳбариятининг кўрсатмасига кўра тақдим этилади.

14. Марказий банкнинг бўлинмалари томонидан олинган кредит ахборотидан бошқа мақсадларда фойдаланилиши, шунингдек уларни учинчи шахсларга берилиши тақиқланади.

#### **V. БКБ ва тижорат банкларига маълумотларни тақдим этиш тартиби**

15. Реестрда сақланаётган маълумотлар БКБ ва тижорат банкларига фақат тегишли шартномалар асосида тақдим этилиши мумкин.

Юридик ёки жисмоний шахснинг кредит ажратиш ҳақидаги ёзма мурожаати банк учун ушбу шахс ҳақидаги кредит ахборотини реестрдан олиш учун асос бўлади.

16. Реестрдаги ахборотни тақдим этиш тўғрисидаги шартнома тақдим этиладиган ахборотнинг ҳажми ва олинган маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш ҳамда ошкор этилмаслиги бўйича томонларнинг мажбуриятлари тўғрисидаги мажбурий шартларни ўз ичига олиши шарт.

17. Реестрдаги ахборот БКБ ва тижорат банкларига Марказий банк томонидан ўрнатилган тартибда БАМ алоқа каналлари орқали шифрланган кўринишда юборилган электрон сўровномалар асосида тақдим этилади.

БКБ ва тижорат банкларининг сўровномаларига жавоблар тайёрлаш ва бериш реал вақт режимида амалга оширилади.

18. Тижорат банклари ва БКБ ўрнатилган тартибда тақдим этилган ва рўйхатдан ўтказилган кредит буюртмалари мавжуд бўлгандагина, реестрдан ахборот олиш ҳуқуқига эгалар.

Кўзда тутилаётган кафиллик берувчи, кредит таъминотининг эгаси ёки факторинг бўйича қарздор тўғрисидаги маълумотларни олишга фақат уларнинг ёзма розилиги бўлганда рухсат берилади.

БКБ ва тижорат банкининг сўровномасида буюртма берувчи тўғрисидаги ва кредит буюртмасининг банк девонхонасида рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар қайд этилиши шарт.

БКБ ва тижорат банки томонидан реестрдан бошқа тартибда ахборот олинишига йўл қўйилмайди.

БКБ ва тижорат банклари реестрдан потенциал қарздор ва унинг кўзда тутилаётган кафиллик берувчиси ёки кредит таъминотининг эгаси ҳамда факторинг бўйича қарздор тўғрисида қуйидаги маълумотларни сўралган сана ҳолатига олиш ҳуқуқига эгалар:

- а) қарздорнинг тўлиқ номи;
- б) қарздорнинг солиқ тўловчининг идентификацион рақами ёки паспорт серияси;
- в) уч ой давомида қондирилмаган ёки рад этилган кредит буюртмалари сони;
- г) қарздор томонидан учинчи шахсларнинг мажбуриятлари таъминоти сифатида берилган кафилликлар сони;
- д) қарздор томонидан учинчи шахсларнинг мажбуриятлари таъминоти сифатида берилган кафилликларнинг умумий суммаси;
- е) банк коди (МФО);
- ж) кредит валютаси;
- з) кредит бўйича берилган сумма;
- и) кредит бўйича муддатли ёки муддати узайтирилган қарздорлик суммаси;
- к) кредит бўйича муддати ўтган қарздорлик суммаси (шу жумладан суд жараёнидаги сумма ва «Кўзда тutilмаган ҳолатлар» ҳисобварақларига ўтказилган сумма);
- л) муддати ўтган фоизлар суммаси (шу жумладан «Кўзда тutilмаган ҳолатлар» ҳисобварақларига ўтказилган фоизлар суммаси);
- м) кредит таъминотининг тури;
- н) гаровга қўйилган мулк номи;
- о) аввалги мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар.

Потенциал қарздор тўғрисида КАМИ реестрдан олинган маълумотлар кредит буюртмаси бўйича кредит бериш ёки рад этиш учун асос бўлиб хизмат қилмайди. Банклар қонунчиликка асосан банк операцияларини амалга оширишга доир қарорлар қабул қилишда мустақилдирлар.

## VI. Жавобгарлик

19. Тижорат банклари ахборотни тақдим этиш муддатлари бўйича ушбу Низом талабларини бузганда ёки ноаниқ ахборот узатганда қонунчиликка мувофиқ жавобгар ҳисобланадилар.

20. КАМИ, БКБ ва тижорат банклари қонунчиликда ўрнатилган тартибда мазкур Низомда белгиланган тартибда ахборот алмашинуви давомида уларга маълум бўлган банк сири бўлиб ҳисобланадиган маълумотларнинг сақланишини ва махфийлигини таъминлашга жавобгардирлар.

21. Тижорат банклари ва БКБ потенциал қарздор ёки унинг кўзда тутилаётган кафили ёки кредит таъминотининг эгаси ҳамда факторинг бўйича қарздор тўғрисида ушбу Низомда ўрнатилмаган тартибда КАМИдан ахборот олганликлари учун жавобгарликка тортиладилар.

22. КАМИ, БАМ, БКБ ва тижорат банклари кредит ахборотининг хавфсиз узатилиши ва тегишли сақланишини таъминлаш учун зарур бўлган барча ташкилий ва техник чораларни қўришлари лозим.

23. Мазкур Низом ва банк сири тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузишда айбдор бўлган шахслар қонунчиликда ўрнатилган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

Низомга  
1-ИЛОВА

**Кредит буюртмалари тўғрисидаги маълумотлар  
ТАРКИБИ\***

№	Маълумотлар	Изоҳ
1.	Жорий сана	Маълумотларнинг КАМИГа тақдим этилган санаси
2.	Банк коди	Банк коди
3.	Кредит буюртмаси келиб тушган сана	Кредит буюртмасининг банкка тушган санаси
4.	Буюртма берувчи тўғрисида маълумотлар	Буюртма берувчи тўғрисида маълумотлар: юридик шахслар учун: номи, СТИР, реквизитлари ва давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлар; жисмоний шахслар учун: фамилияси, исми, шарифи, туғилган йили, яшаш жойи, паспорт маълумотлари, СТИР (агар мавжуд бўлса).
5.	Тармоқ	Буюртма берувчининг тармоқ коди (юридик шахслар учун)
6.	Кредит тури	Сўралаётган кредит тури
7.	Сўралаётган кредит суммаси	Кредит буюртмаси (бизнес-режа)да кўрсатилган кредит суммаси
8.	Кредитни қайтариш мўлжалланаётган муддат	Кредит буюртмаси (бизнес-режа)да кўрсатилган кредитни қайтариш муддати
9.	Кўзда тутилаётган кафиллик берувчи ёки кредит таъминоти эгасини ёзма розилигининг мавжудлиги	Ҳа/Йўқ
10.	Кўзда тутилаётган кафиллик берувчи ёки кредит таъминотининг эгаси ҳамда факторинг бўйича қарздор тўғрисида маълумотлар	юридик шахслар учун: номи, СТИР, реквизитлари ва давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлар; жисмоний шахслар учун: фамилияси, исми, шарифи, туғилган йили, яшаш жойи, паспорт маълумотлари, СТИР (агар мавжуд бўлса).
11.	Таъминотнинг номи	Мулк гарови учун: мулк номи

\* Кредит буюртмалари тўғрисидаги маълумотларга лизинг ва факторинг шартномаларини тузиш бўйича буюртмалар тўғрисидаги маълумотлар ҳам киради.

Низомга  
2-ИЛОВА

**Рад этилган кредит буюртмалари тўғрисидаги маълумотлар  
ТАРКИБИ\***

№	Маълумотлар	Изоҳ
1.	Жорий сана	Маълумотларнинг КАМИГа тақдим этилган санаси
2.	Банк коди	Банк коди
3.	Қарор қабул қилинган сана	Кредит буюртмасини рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган сана
4.	Банк органи	Кредит буюртмасини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилган банк органи
5.	Буюртма берувчи тўғрисида маълумотлар	Буюртма берувчи тўғрисида маълумотлар: юридик шахслар учун: номи, СТИР, реквизитлари ва давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлар; жисмоний шахслар учун: фамилияси, исми, шарифи, туғилган йили, яшаш жойи, паспорт маълумотлари, СТИР (агар мавжуд бўлса).
6.	Тармоқ	Буюртма берувчининг тармоқ коди (юридик шахслар учун)
7.	Рад этиш сабаби	Рад этиш тўғрисида қабул қилинган қарорга мувофиқ кредит буюртмасини рад этиш сабабларининг баёни

\* Рад этилган кредит буюртмалари тўғрисидаги маълумотларга лизинг ва факторинг шартномаларини тузиш бўйича рад этилган буюртмалар тўғрисидаги маълумотлар ҳам киради.

Низомга  
3-ИЛОВА

**Кредит, лизинг ҳамда учинчи шахслардан мажбуриятларнинг  
бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини олиш тўғрисидаги  
(факторинг) шартномалари тўғрисидаги маълумотлар  
ТАРКИБИ**

№	Маълумотлар	Изоҳ
1.	Жорий сана	Маълумотларнинг КАМИГа тақдим этилган санаси
2.	Банк коди	Банк коди
3.	Буюртма номери	Кредит буюртмасининг кредит ахбороти ягона реестридаги идентификацион рақами
4.	Шартнома тузишга асос	Банкнинг ваколатли органи (банк кредит қўмитаси, бошқаруви, кенгаши, акциядорларнинг умумий йиғилиши)нинг қарори ёки бошқа асослар

№	Маълумотлар	Изоҳ
<b>КРЕДИТ ШАРТНОМАЛАРИ УЧУН:</b>		
5.	Шартнома рақами ва санаси	Кредит шартномаси рақами ва имзоланган сана
6.	Кредит берилган сана	Кредит суммасининг қарздорни ссуда ҳисобварағига ўтказилган санаси
7.	Буюртма берувчи тўғрисида маълумотлар	Буюртма берувчи тўғрисида маълумотлар: юридик шахслар учун: номи, СТИР, реквизитлари ва давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлар; жисмоний шахслар учун: фамилияси, исми, шарифи, туғилган йили, яшаш жойи, паспорт ёки унинг ўрнини босувчи шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжат маълумотлари, СТИР (агар мавжуд бўлса).
8.	Тармоқ	Буюртма берувчининг тармоқ коди (юридик шахслар учун)
9.	Кредит суммаси	Шартномада кўрсатилган кредит суммаси
10.	Кредитнинг қайтариш санаси	Шартномада кўрсатилган кредитни қайтариш муддати
11.	Кредитлаш объекти	Шартномада кўрсатилган кредитдан фойдаланиш мақсадлари
12.	Кредит таъминотининг типи	Гаров, кафиллик, кафолат ёки кредит хатарини суғурталаш
13.	Кредит таъминоти тўғрисида маълумотлар	Гаров: гаров тўғрисидаги шартнома реквизитлари, мулк баёни, баҳоси, гаров шартномасининг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлар (агар мазкур гаров шартномасини давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлса). Кафиллик: кафиллик тўғрисидаги шартнома реквизитлари, кафил — юридик шахснинг реквизитлари; кафил — жисмоний шахснинг паспорт маълумотлари. Кафолат: кафолатнинг реквизитлари, кафолат берувчининг реквизитлари. Кредит таваккалчилигини суғурталаш: кредит хатарини суғурталаш шартномаси реквизитлари, суғурталовчининг реквизитлари.
14.	Кредит бўйича фоизлар	Кредит шартномасида кўрсатилган кредит бўйича фоизлар миқдори
15.	Кредит берилган валюта	Кредит берилган валюта коди
16.	Кредит бериш шакли	Нақд пул билан ёки нақд пулсиз
17.	Қайтариш шакли	Нақд пул билан ёки нақд пулсиз
<b>ЛИЗИНГ ШАРТНОМАЛАРИ УЧУН:</b>		
18.	Шартнома рақами ва санаси	Лизинг шартномаси рақами ва имзоланган сана
19.	Шартноманинг нотариал тасдиғи	Шартноманинг нотариал тасдиғи (агар ушбу шартномани тасдиқлаш лозим бўлса)

№	Маълумотлар	Изоҳ
20.	Берилган сана	Лизинг объектининг лизинг олувчига берилган санаси
21.	Лизинг олувчи тўғрисида маълумотлар	Лизинг олувчи тўғрисида маълумотлар: юридик шахслар учун: номи, СТИР, реквизитлари ва давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлар; жисмоний шахслар учун: фамилияси, исми, шарифи, туғилган йили, яшаш жойи, паспорт ёки унинг ўрнини босувчи шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжат маълумотлари, СТИР (агар мавжуд бўлса).
22.	Тармоқ	Лизинг олувчининг тармоқ коди (юридик шахслар учун)
23.	Лизинг объекти тўғрисида маълумотлар	Шартномага мувофиқ лизинг объекти сони, сифати, таркиби, баҳоси ва бошқа параметрлари, рўйхатдан ўтганлиги (агар ушбу объект рўйхатдан ўтиши лозим бўлса)
24.	Лизинг тўловлари миқдори	Шартномага мувофиқ лизинг олувчининг лизинг берувчига тўланиши лозим бўлган тўловлар миқдори
25.	Шартноманинг амал қилиш муддати	Шартноманинг амал қилиши тугайдиган муддат
<b>ФАКТОРИНГ ШАРТНОМАЛАРИ УЧУН:</b>		
26.	Шартнома рақами ва санаси	Факторинг шартномаси рақами ва имзоланган сана
27.	Мижоз тўғрисида маълумотлар	Мижоз тўғрисида маълумотлар: номи, СТИР, реквизитлари ва давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлар
28.	Тармоқ	Мижознинг тармоқ коди
29.	Қарздор тўғрисида маълумотлар	Қарздор тўғрисида маълумотлар: номи, СТИР, реквизитлари ва давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлар
30.	Тармоқ	Қарздорнинг тармоқ коди
31.	Зиммасига олинадиган мажбурият тўғрисида маълумотлар	Факторинг шартномаси бўйича маълумотлар
32.	Бировга бериладиган мажбурият миқдори	Мажбуриятнинг умумий суммаси (дисконтни ҳисобга олмасдан)
33.	Мажбуриятни ижро этиш муддати	Факторинг шартномасига мувофиқ қарздор томонидан ўз мажбуриятларини бажариш муддати

Низомга  
4-ИЛОВА

Қарздорлар томонидан кредит шартномалари бўйича ўз мажбуриятларининг  
бажарилиш ҳолати тўғрисидаги маълумотлар  
**ТАРКИБИ**

№	Қарздор тўғрисида маълумот	Шартнома реквизит- лари	Кредит суммаси	Кредитни қайтариш муддати	Кредит- нинг ҳолати	Тўланма- ган асосий қарз қол- диғи	Тўланма- ган фоиз- лар қол- диғи	Муддати ўтган асосий қарз суммаси	Муддати ўтган фоизлар суммаси
1.									
2.									
3.									



+

Низомга  
5-ИЛОВА

**Қарздорлар томонидан лизинг шартномалари бўйича ўз  
мажбуриятларининг бажарилиш ҳолати тўғрисидаги маълумотлар  
ТАРКИБИ**

№	Лизинг олувчи тўғрисида маълумот	Лизинг шартномаси реквизитлари	Лизинг шартномаси суммаси	Шартноманинг амал қилиш муддати	Лизинг тўловларини тўлаш муддати	Тўланмаган лизинг тўловлари қолдиғи	Муддати ўтган лизинг тўловлари суммаси
1.							
2.							
3.							

Низомга  
6-ИЛОВА

**Қарздорлар томонидан учинчи шахслардан мажбуриятларнинг  
бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини олиш тўғрисидаги (факторинг)  
шартномалари бўйича ўз мажбуриятларининг бажарилиш ҳолати  
тўғрисидаги маълумотлар  
ТАРКИБИ**

<b>№</b>	<b>Қарздор тўғрисида маълумотлар</b>	<b>Шартнома реквизитлари</b>	<b>Шартнома бўйича қарздорнинг мажбуриятлари суммаси</b>	<b>Қарздор томонидан ўз мажбуриятларини бажариш муддати</b>	<b>Шартнома бўйича қарздор томонидан ўз мажбуриятларини бажаришнинг муддати ўтган суммаси</b>
1.					
2.					
3.					

+

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ MАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ**136** Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахслар томонидан чет эл валютасида касса операцияларини юритиш Тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил  
18 апрелда 611-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 28 апрелдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида», «Валютани тартибга солиш тўғрисида» (янги таҳрирда)ги қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги ПФ-3619-сонли «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахслар томонидан чет эл валютасида касса операцияларини юритиш Тартиби»ға (1999 йил 22 январь, рўйхат рақами 611 — Меъёрий ҳужжатлар Ахборотномаси, 1999 йил, 1-сон.) иловаға мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган санадан 10 кун ўтгач кучға киритилсин.

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 8 апрель,  
9/4-сон

Марказий банк Бошқарувининг  
2006 йил 8 апрелдаги 9/4-сонли қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахслар томонидан чет эл валютасида касса операцияларини юритиш Тартибига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 4-банднинг иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«Корхоналарнинг кассаларига чет эл валютасини қабул қилиш ушбу Тартибға 1-шаклдаги иловаға мувофиқ қирим касса ордерлари орқали амалға оширилади».

2. 5-банднинг биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«Корхоналарнинг кассаларидан чет эл валютасини бериш ушбу Тартибға 2-шаклдаги иловаға мувофиқ, олувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат асосида берилган чиқим касса ордерлари орқали амалға оширилади».

3. 7-банддаги иккинчи жумла чиқариб ташлансин.

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.*

4. 37-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
5. Ушбу ўзгартириш ва қўшимчаларга 1 ва 2-шаклдаги иловаларга мувофиқ 1 ва 2-шаклдаги иловалар киритилсин.
6. Ушбу ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

**Молия вазири Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 8 апрель

—

+

\_\_\_\_\_ (корхонанинг номи)

ОКУД бўйича коди \_\_\_\_\_

**КИРИМ КАССА ОРДЕРИ №** \_\_\_\_\_

Кун	Ой

Алоқаланувчи ҳисобварақ, иккиламчи ҳисобварақ	Аналитик ҳисоб хос рақами	Суммаси	Мақсадли фойдаланиш хос рақами

\_\_\_\_\_ дан қабул қилинди

\_\_\_\_\_ даги чет эл валютаси  
(номи, номинал бўйича суммаси ёзув ва рақамларда)

Асос \_\_\_\_\_

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг операцияни амалга оширилган кундаги курси \_\_\_\_\_  
Миллий валютадаги эквиваленти \_\_\_\_\_ сўм. \_\_\_\_\_ тийин.  
(Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг курси бўйича суммаси ёзув ва рақамларда)

Илова \_\_\_\_\_

**Бош бухгалтер (ёки унинг вазифасини бажарувчи шахс)** \_\_\_\_\_

**Қабул қилиб олган кассир** \_\_\_\_\_

+

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахслар томонидан чет эл валютасида касса операцияларини юритиш Тартибига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга  
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахслар томонидан чет эл валютасида касса операцияларини юритиш Тартибига  
1-ИЛОВА

«НАМУНА»

\_\_\_\_\_ (корхонанинг номи)

№ \_\_\_\_\_ **кирим касса ордерига**  
**КВИТАНЦИЯ**

\_\_\_\_\_ дан қабул қилинди  
\_\_\_\_\_ даги чет эл валютаси

\_\_\_\_\_ (номи, номинал бўйича суммаси ёзув ва рақамларда)

Асос \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ (ёзув билан)

« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 200\_\_ й.

М. У.  
**Бош бухгалтер (ёки унинг вазифасини бажарувчи шахс)** \_\_\_\_\_  
**Кассир** \_\_\_\_\_

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахслар томонидан чет эл валютасида касса операцияларини юритиш Тартибига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга 2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахслар томонидан чет эл валютасида касса операцияларини юритиш Тартибига 2-ИЛОВА

«НАМУНА»

\_\_\_\_\_ (корхонанинг номи)

ОКУД бўйича коди \_\_\_\_\_

**ЧИҚИМ КАССА ОРДЕРИ №**

Кун	Ой

	Алоқаланувчи ҳисобварақ, иккиламчи ҳисобварақ	Аналитик ҳисоб хос рақами	Суммаси	Мақсадли фойдаланиш хос рақами

\_\_\_\_\_ га берилсин (фамилияси, исми, шарифи)

\_\_\_\_\_ даги чет эл валютаси

(номи, номинал бўйича суммаси ёзув ва рақамларда)

Асос: \_\_\_\_\_

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг операцияни амалга оширилган кундаги курси \_\_\_\_\_

Миллий валютадаги эквиваленти \_\_\_\_\_ сўм. \_\_\_\_\_ тийин.

(Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича суммаси ёзув ва рақамларда)

Илова \_\_\_\_\_

Раҳбар \_\_\_\_\_ Бош бухгалтер \_\_\_\_\_

(номи, номинал бўйича суммаси ёзув ва рақамларда)

\_\_\_\_\_ даги чет эл валютасини қабул қилиб олдим

Миллий валютадаги эквиваленти \_\_\_\_\_ сўм \_\_\_\_\_ тийин.

(суммаси ёзув ва рақамларда)

«\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 200\_\_ й. Имзо \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ бўйича

(олувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат номи, рақами, берилган жойи ва вақти)

Кассир \_\_\_\_\_ томонидан берилди

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.*

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI EP PЕСУРСЛАРИ, ГЕОДЕЗИЯ,  
КАРТОГРАФИЯ ВА ДАВЛАТ КАДАСТРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ РАИСИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**137** Ўзбекистон Республикасидаги қишлоқ хўжалик то-  
варлари ишлаб чиқарувчиларнинг қишлоқ хўжалик  
ерларини меъёрий баҳосини аниқлашнинг муваққат йўриқ-  
номасини тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил  
19 апрелда 1563-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 29 апрелдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 октябрдаги 483-сонли «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига ва 2004 йил 28 декабрдаги 610-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига асосан **буюраман:**

1. «Ўзбекистон Республикасидаги қишлоқ хўжалик товарлари ишлаб чиқарувчиларнинг қишлоқ хўжалик ерларини меъёрий баҳосини аниқлашнинг муваққат йўриқнома»си иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. «Ўзбекистон Республикасидаги қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилар қишлоқ хўжалик ерларини меъёрий баҳосини аниқлашнинг муваққат йўриқнома»си Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг ўн кун ўтгач кучга киритилсин.

3. Ушбу буйруқ кучга кирган кундан бошлаб, (1998 йил 6 август, рўйхат рақами 469) «Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни сифатий, иқтисодий ва қиймат баҳосини аниқлашнинг муваққат услуги» ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ушбу буйруқни бажарилишини назорат қилиш, раиснинг ўринбосари Н.Ж. Бакиров зиммасига юклатилсин.

**Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат  
қўмитаси раиси А. АБДУАЗИЗОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 16 февраль,  
19-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги маълум қилади:**  
**вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг**  
**умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2006 йил 15 апрелдан 21 апрелгача бўлган маълумот**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. «Кредит ахбороти миллий институтининг маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда Банклараро кредит бюроси ва тижорат банкларига кредит ахборотини тақдим этиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» (янги таҳрирда) *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 11 мартдаги 7/2-сон қарори.*

*2006 йил 18 апрелда 1562-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 28 апрелдан кучга киради).*

2. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахслар томонидан чет эл валютасида касса операцияларини юритиш Тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар кириштириш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 8 апрелдаги 9/4-сон қарори.*

*2006 йил 18 апрелда 611-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 28 апрелдан кучга киради).*

3. «Ўзбекистон Республикасидаги қишлоқ хўжалик товарлари ишлаб чиқарувчиларнинг қишлоқ хўжалик ерларини меъёрий баҳосини аниқлашнинг муваққат йўриқномасини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2006 йил 16 февралдаги 19-сон қарори.*

*2006 йил 19 апрелда 1563-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 29 апрелдан кучга киради).*

**II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Кредит ахбороти миллий институтининг маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда Банклараро кредит бюроси ва тижорат банкларига кредит ахборотини тақдим этиш тартиби тўғрисида низом. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган ( 2004 йил 1 июль, рўйхат рақами 1379).*

*Адлия вазирининг 2006 йил 18 апрелдаги 57-мқ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.*

2. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалик ерларининг сифатий, иқтисодий ва баҳоланиш қийматларини аниқлаш бўйича муваққат услуб. *Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланган (1998 йил 6 август, рўйхат рақами 469).*

*Адлия вазирининг 2006 йил 19 апрелдаги 59-мқ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.*



Мазкур ҳужжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

+

-

-

+